

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

VIII ҚУРУЛТОЙ

ҚАРОРИ

2020 йил 11 ноябрь

№ VIII-3

Тошкент ш.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари лойиҳаси юзасидан ахборотни, Курултой делегатлари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни эшишиб ва муҳокама қилиб, **VIII Курултой**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашига:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларини Федерациининг расмий веб-сайти ҳамда “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарида кенг ёритиш;

Курултой делегатлари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда ҳар йили стратегик йўналишларни амалга ошириш бўйича аниқ муддатли ва манзилли чоратадбирлар режаси (“йўл харитаси”) ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

чора-тадбирлар режаси бажарилишини Кенгаш ва Кенгаш Раёсати йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш;

касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари ҳамда Федерация тасарруфидаги ташкилотларга стратегик йўналишларда кўзда тутилган вазифалар бажарилишида амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиб бориш топширилсин.

3. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари:

йиллик иш режалари касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг стратегик йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаларидан келиб чиқсан ҳолда тузилишини, уларда аниқ муддатли ва манзилли вазифалар белгиланиши ҳамда бажарилишини таъминласин;

белгиланган вазифалар ижросини чукур таҳлиллар асосида коллегиал органлар йиғилишларида доимий равишда кўриб борсин;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларини расмий веб-сайтларга жойлаштирсин, шунингдек тизимдаги ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ва бошланғич ташкилотларигача етказсин;

куйи касаба уюшмалари ташкилотларининг стратегик йўналишларда белгиланган вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятларини йўналтириб ва мувофиқлаштириб борсин, уларга амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатсин.

Раислик қилувчи

Б.Махмадалиев

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Қурултойининг
2020 йил 11 ноябрдаги VIII-З-сонли қарорига
илова**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
2021-2025 йилларга мўлжалланган
СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Миллий касаба уюшмалари ҳаракатининг демократик ва мустақил кучларини бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда – Федерация деб юритилади) барча жойларда меҳнаткашлар хукуқларининг ҳурмат қилиниши ва муносиб меҳнат тамойиллари таркиб топиши мамлакатда адолатли ва барқарор ривожланишининг зарурый шарти эканига қатъий ишонган ҳолда, ўз фаолиятининг келгуси беш йилга мўлжалланган мазкур Стратегик йўналишларини эълон қиласди.

Федерация миллий тараққиётнинг янги босқичида мамлакатимизни чуқур модернизациялаш ва янгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига амалга оширилаётган ислоҳотларни кўллаб-куватлади.

Халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, бу йўлда дастлабки, лекин ўта муҳим ва салмоқли натижаларга эришилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 5 та конвенция ва баёнларининг қонун хужжатлари ва амалиётга имплементация қилингани, янги таҳрирдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани фуқаролик жамияти ва давлатни ривожлантиришдаги долзарб вазифалар ечимини топишда касаба уюшмаларининг ролини анча кучайтирди.

Касаба уюшмаларининг ортиб бораётган нуфузи коронавирус пандемияси даврида яққол намоён бўлди. Зеро, бу даврда улар 4,5 миллион нафардан кўп турли касб эгалари – касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва меҳнатга оид хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб бордилар.

Эндиликда, аввалги даврда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлаш шартлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки юртимиздаги ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда.

Кучли иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсат мамлакат тараққиётининг гарови эканини эътироф этиб, келгуси даврда Федерация Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” шиори остида иш юритади.

Федерация миллий ва халқаро касаба уюшмалари ҳаракатининг асосий тамойил ва мақсадлари - ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга содиклигини тасдиқлаган ҳолда, бу мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган ҳуқуқий майдон доирасида ҳаракат қиласди.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **муносиб меҳнат ва ижтимоий адолат тамойиллари** қарор топиши ҳамда ички сиёсатнинг шаклланишида инобатта олиниши учун қулай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилишига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини давом эттиради.

Федерация замон талабларига мос равища янги глобал муаммолар меҳнат кишилари аҳволига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш бўйича пухта ўйланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига ҳамиша кўмаклашиб боради.

Янгилangan демократик Ўзбекистонни бунёд этишда, озод ва обод ҳаёт қуришда ўз ваколатлари доирасида фаол иштирок этиш, касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, халқаро касаба уюшмалари ҳаракатига кенг интеграция бўлиш каби олий мақсадлар Федерация фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Уставда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида касаба уюшмалари ҳаракатининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш, ижтимоий мулоқотни ривожлантириш ва халқаро бирдамлик ғояларига содиклигини намоён этган ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотлар 2021-2025 йиллар мобайнида қуйидаги асосий йўналишлар ижросига қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш

Федерация иқтисодий ривожланиш суръатларини жадалаштиришга, моддий ва инсоний ресурслардан давлат, ёлланма ходимлар ва бизнес манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш имконини берадиган иш ўринлари негизида таркибий жиҳатдан ривожланган, мамлакат ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлайдиган, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга ёрдам беради.

Дунё иқтисодий тузилмасида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ва ижтимоий тизимни қайта қуриш йўллари изланаётган бир пайтда Федерация, унга аъзо **ташкилотлар ривожланишнинг иқтисодий самарали, ижтимоийadolатли, экологик бехатар модели ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиб боради.**

Ҳар бир инсон учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт меваларидан баҳраманд бўлиш имкониятларини таъминловчи, муносиб меҳнат ва ижтимоийadolат тамойилларини илгари сурувчи ижтимоий-иқтисодий сиёsat шаклланишига қаратилган ҳар қандай ташабbusлар кўллаб-куватланади.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар **яратилган миллий маҳсулотнингadolатли тақсимланишини таъминлашга, солиқ тизими самарадорлигининг оширилишига қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-куватлайди.**

Миллий бозорларнинг ташқи таъсирга очиқлиги, ишлаб чиқариш қувватлари ҳаракатланиши ва жойлаштирилишида чегараларнинг очилиши, меҳнат ресурслари ҳаракатчанлиги ошиб бориши каби омиллар таъсири кучайиб бораётган бугунги шароитда касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатлари йўлида, уларга ижтимоий кафолатларни таъминлашда давлатнинг мувофиқлаштирувчи ролини қўллаб-куватлайди.

Федерация **Хукуматнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги устуворликларини ёқлади, зеро, улар ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий ўсиш негизида мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг юксак турмуш даражаси ва сифатини таъминлашга қаратилган, экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.**

Мазкур устуворликларнинг амалга оширилиши натижасида келгуси ўн йилликда Ўзбекистон даромадлари ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига кириши, меҳнат бозоридаги танглик даражаси пасайтирилиши, аҳоли даромадлари оширилиши ва камбағаллик даражаси икки баравар пасайиши, инсонларнинг ўртача умр қўриши 78-80 ёшгacha кўтарилиши, фуқароларимизнинг уй-жой, сифатли ичимлик суви ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишига эришилади.

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда дунё коронавирус пандемиясидек жиддий муаммога юз тутаётган бир пайтда, глобаллашув масалалари, халқаро ҳамкорлик ҳамда глобал етказиб бериш занжирларининг таркиб топган шакллари заифлашиб бораётгани намоён бўлмоқда.

Сўнгги давр амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, қийинчиликларни енгиб ўтишнинг энг самарали йўли – ҳар бир давлат асосан ўз имкониятларига таяниб иш кўришидадир. Фақат зарур ҳоллардагина ташқи ёрдамга ва бошқа мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиш мумкин.

Бундай ҳол ички ва ташқи бозорларда рақобатнинг кескинлашувига олиб келиши баробарида ҳар қандай нохушликларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ижтимоий осойишталигини таъминлаш йўлида инвестициялар ҳамда янги технологиялар учун курашни келтириб чиқаради.

Шу сабабли Федерация Ҳукуматнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига иқтисодиётни янада диверсификациялаш ва унда реал сектор улушини оширишга, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни таъсирчан қўллаб-куватлашга қаратилган тузатишлар киритилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Федерация иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни қўллаб-куватлаган ҳолда, саноатни самарали ривожлантириш ва жойлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун иқтисодий ва ихтисослаштирилган зоналар, тармоқ кластерлари, кичик саноат зоналари, инновацион марказлар, технопарклар, коворкинг марказлари имкониятлари ва фойдалигини эътироф этади.

Федерация аграр соҳага янги технология ва инновацияларни жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида агросаноат кластерлари сонини кўпайтириш ишларига кўмаклашади.

Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш Федерациянинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти ходимларнинг фуқаро сифатидаги ҳуқуқ ва эркинликларига, меҳнатга оид ҳукуқларига риоя этилишини ҳамда касаба уюшмалари мустақиллигини таъминлашга йўналтирилгандир.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар касаба уюшмалари фаолияти мустаҳкамланиши ва такомиллаштирилишига, меҳнат қонунчилигини ислоҳ қилишда, шу жумладан, Меҳнат кодекси ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштиришда, ходимлар ва касаба уюшмаларининг ҳукуқлари сақлаб қолиниши ва кенгайтирилишига эришиб борадилар.

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича норма ижодкорлиги ишларида ўз иштирокининг шакл ва услубларини янада такомиллаштириш мақсадида Федерация:

Олий Мажлис Қонунчиллик палатасида ўзининг доимий вакиллари институтини жорий этиш юзасидан таклиф киритади;

янги қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Федерация, унинг аъзо ташкилотлари билан мажбурий тарзда келишиб олинишига оид тартиб-таомилни қатъий белгилаш мақсадида норматив негизни қайта кўриб чиқиши ташаббусини илгари суради;

норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларни жамоатчилик ва гендер экспертизасидан ўтказишда касаба уюшмаларининг иштироки таъминланишига, ходимларнинг хуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини чекловчи ёхуд уларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида тавсиялар ва сўровномалар киритилишига эришади.

Меҳнат бозори эгилувчанлигини кенгайтиришга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганини ҳисобга олиб, шакланаётган янгича меҳнат муносабатларида меҳнаткашларнинг эксплуатацияси кучайиши, уларнинг хуқуқ ва кафолатлари даражаси пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Федерация ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича киритилаётган таклифларга биринчи галдаги эътиборини қаратади.

Шу мақсадда Федерация Халқаро меҳнат ташкилотининг қўйидаги конвенциялари ратификация қилинишини зарур деб ҳисоблайди:

Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сонли;

Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сонли;

Ҳамшираларнинг бандлиги ҳамда меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисидаги 149-сонли;

Оилавий мажбуриятлари билан меҳнат қилувчилар тўғрисидаги 156-сонли;

Тадбиркор тўловга лаёқатсиз бўлганда меҳнаткашлар талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 173-сонли;

Касаначилик тўғрисидаги 177-сонли.

Федерация келгусида ҳам ижарага олинган меҳнат қонунан тақиқланишини ёқлади ҳамда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари барча фуқароларга, шу жумладан, мардикорлар, ўзини ўзи банд қилганлар, аутсорсинг, аутстаффинг, фриланс шартларида ишлаётган ходимлар, шунингдек, вақтинчалик, мавсумий, масофавий, платформалик ва бекарор бандликнинг бошқа кўринишларида банд бўлганларга нисбатан татбиқ этилиши бўйича ҳар қандай норма ижодкорлиги ташаббусларини кўллаб-куватлади.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар - меҳнат қонунчилигининг ҳимоявий ва тартибга солувчи функциялари мустаҳкамланиши ҳамда кенгайтирилиши, самарали ҳуқуқни қўллаш амалиёти воситасида **норасмий ва ҳимояланмаган меҳнатга чек қўйилиши**, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилиши тарафдори.

Жумладан, санитар-эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви оқибатида жорий этилган карантин чекловлари шароитида ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазаси қонун асосида кучайтирилиши юзасидан таклифлар киритилади.

Федерация аҳолининг камбағаллик даражасини аниқлаш ҳамда пенсиялар, нафақалар ва иш ҳақи миқдорларини белгилаш мезонлари сифатида “истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишига эришиш чораларини кўради.

Бундан ташқари, “Ижтимоий суғурта тўғрисида” ҳамда “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан таклифлар киритилади.

Касаба уюшмалари ходимлар оммавий тарзда қисқартирилишининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида **ташкилотларни қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнларида** ўз вакиллари иштирок этишини ёқлаб чиқади, тузилмавий ўзгаришлар ижтимоий масъулият билан амалга оширилишини талаб қиласди.

Фуқароларга бепул ҳуқуқий ва консультатив ёрдам **кўрсатилишини кенгайтириш**, ижтимоий тармоқларда ахборот каналларини ҳамда “Ишонч телефон”лари тармоғини қўпайтириш, шунингдек, сайёр қабуллар ташкил этиш орқали аҳоли билан ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича **Қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш** чоралари кўрилади.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар **касаба уюшмаларининг биргаликдаги ҳаракатлари самарадорлигини янада ошириш**, ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш борасидаги стратегия ва тактикани белгилаш, ижтимоий-меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида келишилган позицияни ишлаб чиқиш, ушбу масалалар бўйича қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик натижадорлигини юксалтириш мақсадини баён этади.

Касаба уюшмалари **халқаро ва миллий меҳнат стандартларини тарғиб қилиш**, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тарғибот фаолиятини тубдан яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашади.

Ижтимоий мuloқot va ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Федерация Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан илгари сурилган **Муносиб меҳнат концепциясини қўллаб-куватлайди**. Ҳолбуки, муносиб меҳнат ижтимоий, иқтисодий ва экологик ривожланишнинг ўзаги сифатида ўзини намоён қилиши баробарида глобаллашув шароитида мувозанат ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Зоро, ҳозирги замон дунё маданияти ўсиш ва ривожланиш билан боғлиқ муаммоларга янада барқарор ва адолатли ёндашувни талаб этмоқда.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар мамлакат ривожланишининг муносиб меҳнат ғоясига асосланган янги моделини шакллантиришда уч **томонлама ижтимоий мuloқotning ҳал қилувчи ролини таъкидлайди**.

Ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, ижтимоий мuloқotning энг яхши амалиётини ўрганиш ва кенг ёйиш, **жамоа келишувлари ва шартномалари билан меҳнаткашларнинг кенг қатламлари қамраб олинишини кенгайтириш, жамоаларга доир меҳнат низоларини маърифий йўл билан ҳал этиш ишлари давом эттирилади**.

Глобал иқтисодиёт муаммолари кескинлашуви ва унинг нотекислиги, меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддиятлар ортиб бориши ижтимоий мuloқot жараёни мураккаблашувига олиб келаётганини анлаган ҳолда, Федерация, унга аъзо ташкилотлар меҳнат аҳлининг хуқуқ ва манфаатларини мудофаа қилиш йўлида ўзларининг ҳамжиҳатлиги, уюшқоқлиги ва бирдамлигига катта эътибор қаратади.

Касаба уюшмалари ижтимоий мuloқot самарадорлигини ошириш, ушбу жараённи серҳашамлик, расмиятчилик ва сохта демократик сафсалардан озод этиш учун барча чораларни кўради.

Касаба уюшмалари **ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика ва ҳудудий уч томонлама комиссиялар ишини жонлантиришни**, уларни ижтимоий-меҳнат соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришга таъсир кўрсата оладиган ҳақиқий кучга айлантиришни ёқлади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар тармоқлар миқёсида **ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни шакллантиришга ва уларнинг ишини фаоллаштиришга ёрдам беради**.

Касаба уюшмалари ўз бошланғич ташкилотлари ишини енгиллаштириш учун **жамоа музокараларининг янада марказлашувини**, Бош ва тармоқ (тариф) келишувлари меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланишини ёқлади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, тармоқ кластерлари, қурилиш ташкилотлари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари, шунингдек, мавсумий меҳнат жамоаларида жамоа музокараларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Касаба уюшмалари барча жамоа шартномалари ва келишувларининг лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши, ягона музокара жараёни қоидаларига биноан тармоқ (тариф) келишувлари ва жамоа шартномалари тузилишининг кетмакетлигига қатъий риоя этилиши учун зарур чораларни кўради.

Қарорлар қабул қилиш жараёнига касаба уюшмаларининг таъсирини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига таалукли бўлган масалалар кўриб чиқилаётганда Федерация вакилларининг иштироки ташкил этилади.

Касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчилар иштирокида Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакилларининг энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокамасига бағишлиланган жамоатчилик эшитувлари ҳар йили ўтказиб борилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги вазифалар

Федерациянинг вазифа ва функциялари ғоят серқирра бўлса-да, касаба уюшмаларининг ташкилот сифатидаги энг муҳим иқтисодий мақсади меҳнаткашларнинг иш ҳақлари ва даромадларини юксалтиришдан иборатdir.

Муносиб меҳнатнинг асосий мезони – муносиб иш ҳақидир, зеро, бундай иш ҳақи меҳнаткаш ва унинг оиласининг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот тизими учун негиз яратади, инсонга ўз саломатлигини юксак ишчанлик, жисмоний фаоллик, узоқ умрни таъминловчи даражада сақлаб туриш имконини беради, шунингдек, касбий, маданий ва маънавий ривожланиш ҳамда цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлиш учун шарт-шароит яратади.

Касаба уюшмалари учун **муносиб иш ҳақи тушунчаси** - мулк шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда асослантирилган миқдорларда ўрнатилган ҳамда ходимнинг малака даражасига, бажариладиган ишнинг мураккаблиги, миқдори, сифатига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган, шунингдек, кам ва кўп ҳақ олувчи ходимлар тоифалари иш ҳақлари ўртасида мақбул нисбатни таъминлайдиган адолатли иш ҳақини англаради.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, Федерация ва унга аъзо ташкилотларнинг келгуси даврдаги саъй-ҳаракатлари яратилган миллий маҳсулотнинг меҳнат ва капитал ўртасидаadolатли тақсимланишига, ялпи ички маҳсулот таркибида иш ҳақининг улуши оширилишига эришишга йўналтирилади.

Меҳнаткашларнинг ҳам номинал, ҳам реал иш ҳақлари сезиларли даражада оширилишига қаратилган ҳаракатлар давом эттирилади, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан Хукумат, иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари ўртасида уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш чоралари кўрилади.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар, фуқароларнинг конституциявий хукуқлари таъминланиши учун ҳаракатларни фаоллаштирган ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори меҳнатга лаёқатли инсоннинг тирикчилиги учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражада, истиқболда эса юқорироқ ижтимоий стандарт - энг кам истеъмол бюджетидан келиб чиқиб белгиланишини ёқлади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар ўз ижтимоий шерикларига аҳоли пул даромадларининг ўзгариш динамикаси, инфляцияни жиловлаш ҳамда нархлар ўсишининг салбий оқибатларини юмшатиш вазифалари билан уйғунлашган тариф ва нарх-наво сиёсатини юритишни тавсия этиб боради. Жамоа шартномалари ва келишувларига истеъмол нархларининг ўсишига қараб ходимларнинг иш ҳақи, бошқа пуллик даромадлари индексация қилиниши тўғрисидаги қоидалар киритилишига эришади.

Жамоа шартномалари ва келишувлари воситасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг оширилган тариф коэффициентлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, компенсациялар ва рағбатлантириш тарзидаги тўловларни жорий этиш борасидаги меҳнат жамоаларининг хукуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган чоралар қабул қилинади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар фаолиятида иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига иш берувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган тарзда ушлаб қолишларга йўл қўймаслик, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари табақаланишини камайтириш ва камситишларга йўл қўймаслик масалалари устувор бўлиб қолади.

Жамоа шартномавий хужжатлар воситасида teng аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга teng ҳақ тўлаш принципини амалга ошириш чоралари кўрилади.

Бекарор иқтисодий вазият юзага келган шароитда даромадлар кафолатларини таъминлаш учун касаба уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимлари кенг жорий этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасида мақбул нисбат ўрнатилиши, иш берувчи тўловга лаёқатсиз бўлганда иш ҳақи ҳимоя қилиниши, иш ҳақи учун яширин тўловларга йўл қўймаслик масалаларида муросасиз бўлади.

Касаба уюшмалари ва меҳнат бозори

Ўзбекистонда меҳнат бозори институционал жиҳатдан жадал ривожлантирилмоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида аниқ тизим яратилиб, унинг самарали ишлаши таъминланмоқда.

Айни пайтда, касаба уюшмалари иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш, ишсизлик ва тўлиқсиз бандликни тугатиш мақсадида Хукумат тўлиқ, самарали ва эркин танланган бандликка кўмаклашишга қаратилган сиёsatни амалга ошириши, ишсизларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг такомиллаштириши ҳамда уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш кўламини кегайтириши лозим деб ҳисоблайди.

Пандемиядан кейинги даврда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани тиклаш учун расмий секторда кўпроқ янги иш ўринларини ташкил этиш, меҳнат миграцияси оқимларини оптималлаштириш, карантин чекловларидан энг кўп талофат кўрган иқтисодиёт секторларидан бўшатиб олинган шахсларни ҳақиқатан ишга жойлаштириш талаб этилади.

Бугунги кунда меҳнат ресурслари сифатини яхшилаш, кадрлар малакасини тасдиқлаш тизимини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш дастурлари ижроси сўзсиз таъминланиши учун иш берувчиларнинг масъулиятини кучайтириш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлмоқда.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар меҳнат бозорида фаол сиёsat юритиш, муносиб иш ҳақи ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи барқарор иш ўринларини барпо этиш, яратилган янги иш ўринларига қабул қилинган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Хукуматга максимал даражада кўмаклашади.

Бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва вақтинча банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича бандликка кўмаклашиш марказлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ишлари давом эттирилади.

Касаба уюшмалари ва уларнинг бўлинмалари мөҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари энг кам миқдорини белгилаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, бунда, айниқса, таълим муассасалари битиравчилари, ногиронлар, ёлғиз ота-оналар ва аҳоли ижтимоий заиф қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Норасмий иқтисодиёт кўлами ошиб бораётганидан ўз хавотирини тасдиқлаган ҳолда, Федерацияга аъзо ташкилотлар **норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга** мумкин қадар кўпроқ мөҳнаткашлар ўтказилишига ҳар томонлама кўмаклашади, уларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган мөҳнат муносабатларига тўлиқ интеграциялашувига, касаба уюшмалари сафига киришига, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари билан қамраб олинишига интилади.

Бандликнинг ностандарт турлари мөҳнат бозори эгилувчанлигини ошириши ҳисобига аҳолини иш билан таъминланиш даражасини кўтаришга муайян ҳисса қўшиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **ностандарт тарзда банд бўлган ходимларга нисбатан ҳам ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари татбиқ этилишига** эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ёшларни ишга жойлаштириш соҳасида касаба уюшмалари “биринчи мөҳнат шартномаси” муаммосини ҳал қилиш учун **субсидияланган бандлик** кўлами янада кенгайтирилиши, ёш ходимларнинг шогирдлик ёки стажёрлик даврлари давомийлиги қонунан чекланиши, ҳақ тўланмайдиган стажёрлик тақиқланиши ҳамда ишга қабул қилишда ўтказиладиган сұхбатлар тартибга солиниши тарафдоридир.

Мөҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ишларини ташкил этиш, норматив негизини мустаҳкамлаш

Хозирги вақтда мөҳнатни ташкил этиш тизими қуидагиларни тақозо этади:

- иш ўринларини юқори технологиялар ва хавфсизлик стандартларига мувофиқ ҳолда жиҳозлаш;
- ходимларнинг малака даражасига қўйилган талабларга биноан уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- иш вақтидан, ходимларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятидан самарали фойдаланиши таъминловчи мөҳнатни меъёrlаштириш тизимларини жорий этиш;

- ходимларнинг қучи тикланишини, саломатлиги ва касбий ривожланишини таъминлаш учун уларни **ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириб бориши**.

Лозим даражадаги хавфсиз меҳнат шароитлари яратилмаган иш ўринлари мавжудлигини ҳисобга олиб, касаба уюшмалари заарли ишлаб чиқариш омилларидан холи, муносиб меҳнат шароитларига эга, жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш эҳтимолини, табиий атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтирувчи “яшил иш ўринлари” яратилишига кўмаклашади.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар муносиб меҳнат шароитлари ва барқарор ривожланиш таъминланишининг зарурий шарти сифатида экологик муаммолар ҳал этилишига, ишловчилар соғлиғига путур етказилишининг олдини олиш, шунингдек, жароҳатланиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатлари камайтирилиши юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилишини ёқлади.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар **меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий ва самарали бошқариш тизими** жорий этилишига, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ривожланишининг устувор вазифасига ва корпоратив маданиятнинг ажралмас қисмига айлантирувчи шароитлар яратилишини изчиллик билан амалга оширади.

Касаба уюшмалари меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш, ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш ишлари бугунги кун талабидан ортда қолаётганини тан олади.

Мазкур соҳадаги аҳволни яхшилаш учун Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **миллий қонун ҳужжатларини ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш** мақсадида:

- меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ҳамда меҳнат хавфсизлиги стандартларини жорий этиш;
- меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тармоқ ва ҳудудий мақсадли дастурларни долзарблаштириш;
- даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш стандартларини қайта кўриб чиқиши масалаларини назарда тутувчи таклифларни киритади.

Касаба уюшмаларининг **меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси хизматини ташкил этиш ва уни кадрлар билан мустаҳкамлаш** чоралари кўрилади. Зеро, ушбу хизмат:

- иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхоналари, ташкилотларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишига;

- иш берувчиларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид сиёsat, мақсадлар ва тартиб-таомилларни белгилаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишига;

- ходимларга хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини камайтириш ишларига жавоб беради.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси (OSH) йўналиши бўйича ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида хорижий ва халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари билан ҳамкорлик ўрнатади.

Федерация республикада меҳнат муҳофазаси, экологик вазият, мазкур йўналишдаги касаба уюшмалари фаолияти борасидаги ишлар аҳволини таҳлил қилиб боришни давом эттиради.

Касаба уюшмалари инспекцияларининг жамоатчилик назорати соҳасида истиқболли вазифалари

Федерация иш берувчилар томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофaza қилиш қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратининг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, ушбу йўналишда илғор тажрибани умумлаштириш ҳамда кенг ёйиш ишларини давом эттиради.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига аъзо ёки аъзо эмаслигидан қатъи назар, уларнинг меҳнат муносабатларидағи ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини йўлга кўйишда янгитдан тузилган касаба уюшмалари инспекциялари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Касаба уюшмалари инспекциялари давлат меҳнат инспекциясига муқобил ёки қарама-қарши институт эмас ва у билан ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, бири бирини тўлдириш ва конструктив ҳамкорлик тамойиллари асосида қуради.

Улар прокуратура органлари, давлат назорати (текшируви)нинг бошқа органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласида.

Касаба уюшмалари инспекциялари юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларда келтирилган важларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларига биринчи галдаги эътиборни қаратади. Бинобарин, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш ишлари қонун билан белгиланган муддатларда ўз мантиқий якунига етказилиши зарур.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш, муносиб ва бехатар меҳнат шароитларига эга бўлиш, ишсизликдан ҳимоя қилинишга бўлган конституциявий хукуқларини таъминлаш мақсадида меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан текширув ва мониторинглар ўтказиб борилади.

Аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши, барча жойларда қонун устуворлигини қарор топтириш ва иш ўринларида талаб этиладиган санитар-гигиеник шароитлар яратилиши чоралари ўз вақтида кўриб борилади.

Касаба уюшмалари инспекциялари ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст этиши муносабати билан **етказилган заарнинг ўрни адолатли қопланиши борасидаги хукуқларини амалга оширилишига интилади**.

Шу билан бир қаторда, касаба уюшмалари инспекциялари ўз фаолиятида санкцияларни кўллашга эмас, балки қонун бузилишларининг олдини олишга ҳамда камчиликларни бартараф этишда иш берувчиларга кўмаклашишга биринчи галдаги эътиборни қаратади.

Камбағалликни камайтириш, аҳолини, айниқса аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг маҳсус чораларини кўллаш борасидаги фаолият

Касаба уюшмалари “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга оширишга оид Давлат дастурларини шакллантириш ва бажаришда фаол иштирок этади.

Ижтимоий муассасалар фаолияти устидан самарали назоратни йўлга қўйиш, ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ҳамда дори воситалари нархлари асоссиз оширилишининг олдини олиш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида идорага қарашли бўлмаган ижтимоий инспекцияни таъсис этиш тўғрисида таклиф киритилади.

Хорижий инвестициялар фаол жалб қилинаётган, иқтисодиётда хусусий мулк улуши ортиб бораётган бугунги шароитда, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар идоравий инфратузилма: санаторийлар, профилакторийлар, дам олиш муассасалари, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият уйлари, спорт иншоотлари ва бошқа ижтимоий

объектларнинг фаолият йўналишларини сақлаб қолиш чораларини кўради.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар **мехнаткашларни** ишсизлик, касаллик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, ногиронлик, кексалик ва ҳоказолар билан боғлиқ **ижтимоий қалтисликлардан ҳимоя қилиш тизимини** ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашади.

Касаба уюшмалари **ижтимоий ҳимоя тизими** барча учун **тааллукли бўлишини**, бандлик мақомидан қатъи назар, барча ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари тегишли нафақалар ва ёрдам билан қамраб олинишини ёқлади.

Федерация бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbus”ига оид дастурлардан келиб чиқиб, **ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилади.**

Шу жумладан:

- ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги қунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиши мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга оширади;

- ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукаммал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиши орқали кўмаклашади, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантиради.

Федерация қошида хотин-қизларнинг муаммолари бўйича туну кун фаолият юритадиган 1211-қисқа рақамли “Ишонч телефони” ташкил этилганини жамиятимиз мамлакатда хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва уларни тизимли ҳал этишнинг янги механизми сифатида қабул қилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари хотин-қизларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиши, улар турмуш фаровонлиги қўтарилишини ёқлаб чиқади.

Шу асосда келгуси даврда Федерация меҳнат соҳасида **гендер аудитини** ўтказиши амалиётини кенгайтириб, қўйидагиларга кўмаклашиб боради:

- тадбиркорларнинг “аёллар бандлиги” йўналишидаги бизнес-ташабbusларини қўллаб-куватлаш орқали хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиб бориш;

- аёлларнинг қишлоқ хўжалик кооперациялари тармоғини кенгайтириш;

- касаначилик, пиллачилик ва ҳунармандчиликтин ривожлантириш;
- қишлоқ жойларида кичик саноат корхоналарини барпо этиш.

Жамоа шартномалари ва келишувларида **ишга қабул қилиш ҳамда хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, улар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш масалалари назарда тутилади.**

Хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси билан тизимли ҳамкорлик ўрнатилади.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар меҳнат кишиси манфаатлари йўлида **пенсия таъминотини такомиллаштириш**, пенсия миқдори янада оширилиши, пенсия билан аввалги иш ҳақи ўрнини қоплаш коэффициенти 40-45 фоиздан кам бўлмаган даражагача, энг кам пенсия миқдори эса пенсионернинг тирикчилиги учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражагача кўтарилишига кўмаклашади.

Федерация ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари аҳволини ва пенсия таъминотини яхшилаш, уларга моддий ва маънавий қўмак чоралари қўлланилиши учун касаба уюшмалари имкониятларини фаол ишга солади.

Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оиласарга, кўп болали оиласарга, пенсионерларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

Ходимларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш. Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар меҳнаткашлар ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган **ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш**, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўtkазиш, дам олдириш ва соғломлаштиришда фаол иштирок этади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавият ва маданиятни юксалтириш, спартакиадалар, фестиваллар, ҳалқ ижодиёти кўргазмалари ва бошқа тадбирлар ўтказилиши учун қулай шароитлар яратиш борасидаги ишлар давом эттирилади. Инсон капиталини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўлидаги инвестицияларни кўпайтиришга кўмаклашиш учун касаба уюшмалари салоҳиятидан кенг фойдаланилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ҳам маданий қадриятлардан баҳраманд бўлишларига, ҳалқ ҳаваскорлик ижодиёти ва оммавий жисмоний тарбия ҳаракати ривожланишига катта эътибор қаратади. Касаба уюшмаларининг янги

имижини шакллантириш мақсадида меҳнатдаги ютуқлар ҳамда санъатнинг турлари бўйича энг яхши асарлар учун **касаба уюшмалари мукофотларини** таъсис этиш ишлари, спартакиадалар ва мусобақалар ўтказиш амалиёти давом эттирилади.

Федерация болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ривожлантиришга йўналтирилган республика, ҳудудий ва тармоқ дастурлари ҳамда келишувларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташаббуси билан чиқади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини **маданий дам олдириш ҳамда соғломлаштириш, шунингдек, экологик, тиббий ва зиёрат туризмини ривожлантириш** чоралари кўрилади. Федерация, унга аъзо ташкилотлар “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида ички туризмни ривожлантиришда фаол иштирок этади.

Меҳнат жамоаларида **соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ишловчиларни “ходимлар гимнастикаси”га, спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар ўтказишга кенг жалб қилиш ишлари амалга оширилади.**

Федерация, унга аъзо ташкилотлар ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини **дам олдириш ҳамда соғломлаштириш кўламини кенгайтиришга, соғломлаштириш инфратузилмасининг идоравий объектлари сақлаб қолинишига интилади.**

Даволаш ва дам олдириш учун замонавий шароитларини яратиш, санаторийлар, дам олиш уйлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилиш йўли билан **аҳолининг кенг қатламларини соғломлаштиришга жалб этиш** чоралари кўрилади.

Тиббий туризмни ривожлантириш учун самарали фаолият юритаётган хорижий санатория-соғломлаштириш муассасалари билан тажриба алмашинуви йўлга кўйилади.

Баркамол авлодни тарбиялаш йўлида ўсмирлар ва қизларни спорт билан шуғулланишга кенгроқ жалб қилиш ва бунинг учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида **болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти янада ривожлантириллади.**

Касаба уюшмалари фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш

Меҳнат соҳасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар касаба уюшмаларининг энг мақбул ташкилий тузилмасини ва иш шаклларини излаб топишни тақозо этмоқда.

Шу боис, Федерация, унга аъзо ташкилотлар ушбу муаммоларни мунтазам муҳокама қилиб, касаба уюшмалари фаолиятига оид, шу жумладан, иқтисодиётнинг янги секторлари меҳнаткашларини ўз сафларига жалб қилиш принципларини белгилаб берувчи тегишли таклифларни ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Федерация аъзо ташкилотларнинг ўз ташкилий тузилмасини **такомиллаштириш** борасидаги фаолиятини қўллаб-куватлайди. Зеро, бу фаолият касаба уюшмалари ҳаракатини модернизациялашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Касаба уюшмаларининг тузилмаси иқтисодиёт тузилмасига мослаштирилиши, ташкилий ва молиявий жиҳатдан мақбул бўлиши ҳамда касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, таркибий бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари ишида параллеллик ва тақрорланишларга йўл қўймаслиги лозим. Ташкилий тузилмани **такомиллаштириш** ишлари касаба уюшмалари ҳаракатининг яхлитлиги ва бирдамлигига путур етказишига йўл қўйилмайди.

Шу муносабат билан Федерацияга аъзо ташкилотларнинг тармоқ **касаба уюшмалари ҳаракатининг тарқоқлигига барҳам бериш**, уни **йириклиштириш** борасидаги ташабbusлари қатъий ва фаол қўллаб-куватланади.

Демократик централизмни ҳамда қарорлар қабул қилиш чоғидаги мунозара эркинлигини қўллаб-куватлаган ҳолда, Федерация коллегиал органлар қабул қилган қарорлар бажарилиши йўлида **ижро интизоми ва масъулият оширилишини** барча даражадаги касаба уюшмаларидан талаб қиласди.

Касаба уюшмасига аъзоликни асослаш ишларини кучайтириш, касаба уюшмалари сафлари сони сақлаб қолиниши ва ўсиши, уларга янги аъзолар жалб қилиниши борасидаги касаба уюшмаси органлари фаолиятини жонлантиришга Федерация томонидан ҳамиша кўмаклашиб борилади.

Касаба уюшмалари ҳаракатининг хилма-хиллиги ва репрезентативлигини ошириш мақсадида **касаба уюшмаси аъзолари сони ўсишининг** янги захираларини излаб топиш, яъни янги тармоқлар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, агросаноат кластерлари, кичик бизнес соҳасида банд бўлган меҳнаткашларни, ностандарт меҳнат муносабатларида иштирок этувчи ходимларни, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган ва норасмий банд фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Аъзо ташкилотларнинг ўз сафларига ёшларни жалб қилишга, барча поғоналардаги касаба уюшмаси органларида уларнинг вакиллиги даражасини оширишга йўналтирилган дастур ва саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланади.

Аъзо ташкилотлар касаба уюшмаси ёш етакчиларини излаш ва номзодларини кўрсатишнинг аниқ тизимини шакллантириш, уларни кадрлар захирасига киритиш, касаба уюшмасининг раҳбар лавозимларига кўтариш, қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳамда касаба уюшмалари ҳаракатларини амалга оширишда ёшларнинг иштирок этиши учун шароитлар яратиш ишларига кўмаклашади.

Федерациянинг Ёшлар бирлашмаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг аъзо ташкилотлар ёшлар тузилмалари билан ҳамкорлигини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Федерация аъзо ташкилотлар билан ҳамкорликда хотин-қизларни касаба уюшмаларига кенг жалб қилиш ишларини давом эттиради, ўз сайлаб қўйиладиган раҳбар органларида хотин-қизлар вакиллигини оширишга, касаба уюшмалари сиёсатига, шу жумладан, кадрлар ва фаолларни ўқитиш ишларига гендер муаммолари тўлиқ интеграция қилинишига интилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга ва самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Тугатилиб кетган бошланғич ташкилотларни тиклаш, янгиларини тузиш борасидаги ишлар қўллаб-қувватланади.

Федерация ўзининг Малака ошириш интитути негизида барча даражадаги касаба уюшмалари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, касаба уюшмалари етакчилари, мутахассислари ва фаоллари ўқитилишини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тизимни ривожлантиради.

Касаба уюшмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги фаолият

Федерация касаба уюшмаларини молиявий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни фаоллаштиради.

Шу мақсадда касаба уюшма аъзолик бадаллари айланмаси схемаси ва мутаносиб равишда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари, шунингдек, туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги касаба уюшмаси органларининг молиялаштириш тартиби қайта қўриб чиқилади.

Молиялаштиришнинг янги шартларига ўтилиши барча даражадаги касаба уюшмаси органлари томонидан молиявий интизомга сўзсиз риоя этилиши, маблағлар мақсадли сарфланиши устидан назоратни

кучайтириш, барча даражадаги тафтиш комиссиялари ҳамда Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қатъий чоралар қабул қилинишини тақозо этади.

Ҳар бир касаба уюшмаси органи ўзининг молиявий фаолияти натижалари тўғрисида касаба уюшмаси аъзолари олдида мунтазам ҳисобот бериб бориш мажбуриятини назарда тутувчи тартиб жорий этилади.

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар касаба уюшмалари аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ҳақ тўланадиган аппаратни сақлаб туриш имкониятига эга бўлмаган касаба уюшмаси ташкилотларига молиявий ёрдам бериш учун **Бирдамлик жамғармаларини тузиш** масаласини кўриб чиқадилар.

Федерация касаба уюшмалари мулкини ҳимоя қилиш, мулк сақлаб қолиниши ва кўпайтирилишини таъминлаш, ундан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш чораларини кўради.

Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида янги корхоналарни таъсис этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан **касаба уюшмаси бюджетининг даромадлар қисмини ошириш** юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Федерация аппаратининг штатдаги ходимларини сақлаб туриш сарф-харажатлари, асосан, тасарруфдаги ташкилотлар ва таъсис этилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган **фойда ҳисобидан молиялаштирилади**.

Касаба уюшмаларининг янги корхоналари туризм, меҳмонхона хизматлари, тибиёт, санатор-курортларда соғломлаштириш, нашриёт ва суғурта фаолияти, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар кўрсатиш ва бошқа йўналишларда таъсис этилади.

Касаба уюшмалари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш

Федерация, унга аъзо ташкилотларнинг кундалик фаолиятига **ракамли ва тармоқли технологиялар соҳасидаги янги ютуқлар жорий этилиши**, компьютер техникаси ва дастурий таъминот кенг кўлланилиши ҳамда доимий тарзда янгилаб борилиши давом эттирилади, **хужжат айирбошлишни электрон негизга ўтказиш** ишлари ўз якунига етказилади.

Касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишларини **ракамлаштириш, автоматлаштириш ҳамда онлайн платформага** чиқариш ишлари амалга оширилади.

Жумладан, аъзоларни якка тартибда рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари аъзоларининг ягона электрон базаси шакллантирилади ва **аъзолар сони**, уларнинг аъзоликка кириши ҳамда чиқишининг онлайн режимда доимий таҳлили йўлга қўйилади.

Меҳнат соҳасига оид саволларга жавоблар олиш, касаба уюшмалари мутахассислари билан интерактив мулоқотни йўлга қўйиш, шунингдек, аъзолик бадалларини тўлаб бориш учун “Kasaba.uz” мобил иловаси яратилади.

Ресурсларни режалаштириш тизими (ERP)нинг жорий этилиши Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолияти, шу жумладан, аъзолик бадаллари ва ягона ижтимоий тўловлар тушуми билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни автоматлаштириш имконини беради.

Аҳолига санатория-курортларда соғломлаштирилиш учун қулайлик яратиш мақсадида “Электрон хукумат”ни ривожлантириш доирасида “Онлайн йўлланма” дастури жорий этилади.

Федерация, унинг бўлинмалари ва аъзо ташкилотларида устав органлари йиғилишлари, мажлислар, вебинарлар, давра суҳбатлари, тезкор келишиб олиш ва қарорлар қабул қилиш ишларини масофадан туриб ўtkазиш учун **компьютерли видеоконференциялар тизими** жорий этилади.

Федерациянинг барча аъзо ташкилотлари ва бўлинмалари билан интеграциялашган **ижро интизомини назорат қилиш ягона дастури** жорий этилади.

Ахборот коммуникация технологияларини самарали қўллаш ҳисобига **касаба уюшмалари етакчилари ва мутахассислари малакасини масофавий тарзда ошириш тизими** янада ривожлантирилади ва моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида фаол ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш

Федерация ва унга аъзо ташкилотлар мамлакатимиз жамоатчилик фикрида касаба уюшмаларини меҳнаткашлар манфаатларини ифода этувчи ва событ туриб ҳимоя қилувчи ташкилот сифатидаги сиймосини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш борасидаги ишларни фаоллаштиради.

Муштариylар, тингловчилар ва фойдаланувчиларнинг турли қатламлари эътиборига касаба уюшмалари тўғрисидаги **ахборот етказилишининг янги замонавий услубларини излаш ва ўзлаштириш борасидаги ишлар** фаоллаштирилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар мавжуд барча ахборот воситаларини кўллаган ҳолда муносиб меҳнат қадриятларини ҳимоя қилади, ишчи инсон хурматини ҳар томонлама тарғиб этади.

Федерация аъзо ташкилотлар ва худудий бирлашмалар билан ҳамкорликда ахборот дастурлари, нашр лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттиради. Брифинглар ва матбуот анжуманларини ўтказиш, Халқаро пресс-клуб йиғилишларида касаба уюшмалари етакчиларининг иштирокини таъминлаш, республика ва маҳаллий телевидениеда туркум кўрсатувларни ташкил этиш амалиёти ривожлантирилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ахборот хизматлари билан, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилади.

Федерация ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг мақолалари, касаба уюшмалари, уларнинг бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятига оид чиқишилар Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларининг сайтлари ҳамда нашрларида мунтазам жойлаштириб борилади.

Меҳнаткашлар билан интерактив мулоқот ўрнатиш мақсадида энг оммавий ижтимоий тармоқларда Федерация саҳифалари юритилиши таъминланади, бунда ёшларга тааллукли интернет аудитория билан ишлашга алоҳида эътибор берилади.

Федерация ўзининг нашриёт мажмуаларини, электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, мазкур таҳририятлар жамоаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттиради.

Нусхасини кўпайтириш ва масс-медиа бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Федерациянинг босма нашрлари “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарининг моддий-техник базаси ва ижодий салоҳияти мустаҳкамланади.

Халқаро фаолият

Халқаро касаба уюшмалари ҳаракатидаги ўз нуфузини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон касаба уюшмалари тажрибасини тарғиб қилиш борасидаги ишлар Федерация ва унга аъзо ташкилотлар халқаро фаолиятининг бош йўналиши бўлиб қолади.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг тўла ҳуқуқли аъзоси мақомига эришиш, Бутуневропа касаба уюшмалари минтақавий кенгаши ҳамда Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг коллегиал органларида ўз вакиллари сонини кенгайтириш, ушбу халқаро бирлашмалар билан конструктив ва ўзаро манбаатли ҳамкорликни

ривожлантириш ишлари Федерациининг мазкур йўналишдаги стратегик мақсадлари ҳисобланади.

Халқаро меҳнат ташкилоти ва унинг бўлинмалари билан фаолиятнинг барча йўналишларида ҳамкорликни янада кенгайтириш, улар томонидан ташкил этиладиган тадбирлар ва лойиҳаларда муентазам иштирок этиш ишлари ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) билан ҳамкорлик қилиш, унинг тавсияларини бажаришга алоҳида эътибор қаратилади.

Яқин хорижий мамлакатлар қардош касаба уюшмалари марказлари билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари сўзсиз устуворлик касб этади. Ҳамкорлар билан биргаликда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмаларининг Маслаҳат кенгашини тузиш масаласи кўриб чиқилади.

Федерация тармоқ касаба уюшмаларига хорижий мамлакатларнинг турдош касаба уюшмалари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни, Ўзбекистонга дўстона муносабатда бўлган касаба уюшмалари Глобал Федерациялари билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш ишларида амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар нохолис сохта халқаро коалициялар ва трансмиллий корпорациялар манфаатларини қўзлаб иш қўрувчи ноҳукумат ташкилотлар томонидан билдириладиган бир ёқлама танқид ва бўхтонларга бундан буён ҳам қатъий равишда қарши зарба бераверади.

2020 йил 11 ноябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойида қабул қилинган.

The image shows several handwritten signatures in blue ink, each accompanied by a name in parentheses. The signatures are arranged in two rows. The first row includes: (Роиззод), (Каримова), (Кирсанов), (Надиров). The second row includes: (Макулов), (Чешараков), (Мислов), (Караханов), (Джанов), (Самарбеков), (Халидов).